



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G‘ I**

2021 yil “23” 09

№ 233

Toshkent sh.

**Сирдарё вилоятидаги барча Давлат тиббиёт муассасаларини
рақамлаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майда кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 28-сонли баёнига мувофиқ “Сирдарё вилоятида барча поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш” борасидаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси (Р.Юлдашев), “IT-MED” МЧЖ (Б.Хасанов):

3 кун муддатда барча вилоят оилавий поликлиникаларда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилоят ҳудудий филиали билан биргаликда юқори тезликли интернет тармоғини ўтказиш ишларини якунласин;

5 кун муддатда барча вилоят муассасаларидаги компьютер техникасини инвентаризациядан ўтказиб, компьютер техникасига талабни аниқласин ва муассасаларда яратилган локал тармоқ жорий ҳолатини ўрганиб, тармоқ ўтказишга талаб бўлган муассасалар рўйхатини шакллантирсин;

10 кун муддатда поликлиникаларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Электрон поликлиника”, “Туғилиш ва ўлимни (шу жумладан перинатал ўлим) электрон рўйхатга олиш”, “Бемор”, “Хатлов”, “Эмлаш”, “Кадр ресурсларини бошқариш, тиббиёт муассасалари реестри” ва “Тиббиёт” ахборот тизимларини ишга туширсин. Бунда поликлиникаларнинг замонавий компьютер техникаси билан таъминланиши инобатга олинсин.


2. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (А.Азизов), “IT-MED” МЧЖ (Б.Хасанов):

1 ноябрга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги маблағлари ҳисобига локал тармоқ ўтказишга талаб бўлган муассасаларнинг шакллантирилган рўйхати бўйича смета ҳужжатларини тайёрласин ва тармоқ ўтказиш ишларини якунласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 май “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5124-сон қарорига асосан вилоятдаги бирламчи тиббиёт муассасаларига ўрганиш натижалари талаби асосида замонавий компьютер жиҳозларини белгиланган тартибда харид қилиш чораларини кўрсин.

3. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир

A handwritten signature in blue ink, consisting of a large, sweeping initial stroke followed by several smaller, connected loops.

А.Хаджибаев